



АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ ТЕГИШЛИ ЯНГИ ТИББИЁТДАГИ ИСЛОХАТЛАР

Надирханова Н.С., Ашурова В.И., Ахмедова Ш.А., Рамаданова Д.С.

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий амалий тиббиёт маркази
Feruzako'chasi, 123 Toshkent, O'zbekiston.

✓ Резюме

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тиббиёт соҳасидаги ислоҳот ишлари, Республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида олиб борилган тиббий хизматлар, тиббиёт соҳасидаги шу йил сарҳисоби сифатида олиб борилган ишлар ҳамда ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар кўрсатилиб, улар ўз навбатида муҳокама қилиниб уларнинг самандорлигига ҳам баҳо бериб ўтилган.

Калит сўзлар: Соғлиқни сақлаш тизими, тиббиётдаги ислоҳотлар, тиббиёт муассасалари, тиббий хизматлар.

НОВЫЕ МЕДИЦИНСКИЕ РЕФОРМЫ УЗБЕКИСТАНА В ОБЛАСТИ АКУШЕРСТВА И ГИНЕКОЛОГИИ

Надирханова Н.С., Ашурова В.И., Ахмедова Ш.А., Рамаданова Д.С.

Республиканский специализированный научно-практический центр Акушерства и гинекологии
ул. Феруза, 123 Ташкент Узбекистан.

✓ Резюме

В статье представлена информация о работах по реформированию в сфере медицины Республики Узбекистан, медицинских услугах, оказываемых в лечебно-профилактических учреждениях республики, как итог работы и изменений, проведенных в области медицины в текущем году.

Ключевые слова: система здравоохранения, реформы в медицине, медицинские учреждения, медицинские услуги.

NEW REFORMS IN MEDICINE RELATED TO OBSTETRICS AND GYNECOLOGY

Nadirkhanova N.S., Ashurova V.I., Akhmedova Sh.A., Ramadanova D.S.

Republican Specialized Scientific-Practical Medical Center of Obstetrics and Gynecology
Feruzastr., 123 Tashkent Uzbekistan.

✓ Resume

The article provides information on the reform works in the field of medicine of the Republic of Uzbekistan, medical services carried out in the medical institutions of the Republic, works carried out in the field of medicine this year as a summary, as well as changes, in turn, they were discussed and evaluated on their efficiency.

Keywords: Healthcare system, reforms in medicine, medical institutions, medical services.

Долзарблиги

И нсон учун энг катта бойлик бу саломатлик. Одам руҳан тетик ва жисмонан соғлом бўлсагина ўз ҳаётдан рози бўлади. Жамиятга, ён атрофдагиларга наф келтириш, ўз орзу мақсадларимизга эришишда саломатликнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам, айниқса сўнги йилларда тиббий хизмат сифати ва кўламини кенгайтириш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан этиб белгиланди. Қабул қилинган кўплаб ҳужжатлар эса соҳа ривожига дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими вакиллари билан очиқ мулоқотлари натижасида тизимдаги муаммо ва камчиликлар ўрганилиб,

уларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Президентимиз ўз нутқларида шифокорлар, ҳамширалар, соҳа олимлари, кенг жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни ҳал этиш орқали соҳани тубдан ривожлантириш, жаҳон стандартларига мос тиббиёт тизимини шакллантириш, аҳолига тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари суриб, кенг қўламли вазифаларни белгилаб бермоқда. Айтиш керакки, Тиббиётдаги ислоҳотлар — инсон кадри учун. Зеро, “Эл соғлиги — юрт бойлиги”, деган нақл бежиз айтилмаган. Халқимиз соғлом бўлиши учун уларга сифатли тиббий хизмат зарур. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида охириги йилларда салмоқли ишлар қилинди.

Худудларда 23 та республика ихтисослашган тиббиёт марказининг юздан ортиқ филиаллари ўз фаолиятини бошлади. Бу орқали илгари пойтахтда амалга оширилган 210 турдаги операция ва диагностика жараёнларини маҳаллий шифохоналарда ўтказиш имконияти яратилди. 130 турдаги жарроҳлик амалиётлари вилоят шифохоналарида, 60 тури эса туманларда биринчи марта амалга оширилди. 200 турдаги янги жарроҳлик амалиёти жорий этилиб, буйрак ва жигар трансплантацияси республикамиз шифохоналарида ўтказилмоқда. Натижада пойтахтимиз ва худудларда ўтказилган буйрак трансплантацияси орқали шу кунгача 700 га яқин фуқароларимизнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Тиббиёт тизимидаги энг катта ўзгаришлардан яна бири – давлат шифохоналари билан бирга хусусий медицина ҳам ривожланмоқда. Масалан, аввал бундай хизматлар фақат стоматология бўйича кўрсатилган бўлса, ҳозир хусусий клиникалар деярли барча йўналишларда фаолият юритмоқда ва уларнинг сони 8 мингга етгани соҳадаги изчил ислоҳотлар самарасидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан ўтказган очик мулоқотларида соҳа вакилларида келиб тушган жами 25 мингдан зиёд мурожаатни умумлаштириш ва тизимлаштириш асосида ишлаб чиқилган 7 та муҳим йўналиш белгилаб берилди. Президентимиз ҳар бир йўналишга алоҳида тўхталиб янги ташаббусларни илгари сурди. Булар, бирламчи тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, тез тиббий ёрдамни ривожлантириш, тиббиёт муассасаларининг шароитини яхшилаш, соҳа ходимларини моддий рағбатлантириш, тиббиёт соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш маданиятини ошириш ҳамда касалликларнинг олдини олишдир. Тадбирда юқори малакали тиббий кадрлар салоҳияти ва сонини ошириш, чекка худудларда тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий сектор ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликни ривожлантириш, педиатрия ва ихтисослаштирилган клиникалар тармоғини кенгайтириш, кам таъминланган оилаларни тиббий қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш, соҳадаги коррупцияга қарши курашиш масалалари муҳокама этилди. Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб тиббиёт ташкилотлари томонидан чет элдан келтириладиган тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуна ва метериаллар 2025 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғи ва божхона божидан озод қилинадиган бўлди. Шунингдек, 2022-2025 йилларда тез тиббий ёрдам тизимида эскирган автомашиналар тўлиқ замонавий автомобилларга алмаштирилиши ҳамда тез тиббий ёрдам автопарки тўлиқ янгиланиши ҳақида маълумотлар бор. Таъкидлаш жоиз, тиббиёт ходимларининг фидокорона хизмати пандемия пайтида яққол намоён бўлди.

Юртимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, унга чалинган беморларни самарали даволашдек улкан масъулиятни чуқур ҳис этган тиббиёт ходимлари жасорат билан қаҳрамонларча коронавирус балосига қарши курашиб, самарали натижаларга эришдилар. Жумладан, инфекция тарқалишининг секинлашгани, касалликка чалинганларга нисбатан соғайганларнинг кўпайиб боргани барчамизни қувонтирди. Шунингдек, “Қишлоқ шифокори” дастурини янада такомиллаштириляпти. Хусусан, олис ва чекка худудларда фаолият олиб бораётган шифокорларга бир қанча имтиёзлар жорий этилади. Хусусан, маълумотларга қараганда учинчи йўналиш сўнгги беш йилда 9 триллион сўм ҳисобидан 2 мингга яқин тиббиёт муассасаси қурилиб, таъмирлангани, шунингдек, 500 миллион доллар сарфланган ҳолда, 2 минг 500 та муассаса замонавий тиббий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Аммо ичимлик суви, иситиш тизими бўлмаган, электр таъминоти яроқсиз мингдан зиёд тиббиёт муассасалари мавжуд. Шу боис тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича 2022-2025 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур амалга оширилади. Бунда, энг аввало, 182 та оилавий шифокор пунктида ичимлик суви тармоғи, 450 дан ортиқ муассасада иситиш, 650 тасида электр тизими тўлиқ таъмирланади. Охириги йилларда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Эндиликда 1 минг 100 та тиббиёт муассасаси қайта қурилиб, жиҳозланади, 227 та

туғруқ комплекслари таъмирланган ҳолда, уларга замонавий тиббий асбоб-ускуналар етказиб берилади.

Эътиборингизни бирга ўтган 2021 йилда қилинган ишларга қаратамиз. 2021 йил юртимиз тараққиётида сезиларли из қолдирди. Бу даврда барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам катта ўзгариш ва янгиланишлар юз тутди. "Сарҳисоб" рукни остида ана шундай ислохотлар ҳақида йўналишлар бўйича тайёрлаган қисқача таҳлилимиз билан танишиб боришингиз мумкин. Одатда, одамлар миллий тиббиётнинг даражасига бирламчи бўғинга қараб баҳо беради. 2021 йилда бу йўналишда қатор янгиланишлар амалга оширилди. Бирламчи бўғин ислох қилиниб, қишлоқ врачлик пунктлари ўрнига оилавий шифокор пунктлари ташкил этилди ва уларни штат меъёрлари қайта кўриб чиқилди. 2021 йил бошида бирламчи тизимда 858 та оилавий шифокор пункти бўлган бўлса, 2021 йил охирига келиб яна 100 таси ташкил этилди. Бунинг натижасида бир умумий амалиёт шифокорига 3900 нафар аҳоли тўғри келган бўлса, бир оилавий шифокорнинг иш юклагаси 2000 нафарга туширилди. Оилавий шифокорга тор доирадаги мутахассисларнинг бепул консултацияси ва шифохонада даволаниш учун йўлланма бериш ҳамда бепул дори воситаларини олишга рецептлар ёзиб бериш ваколати берилди.

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатувчи 14 мингдан зиёд тиббиёт бригадалари ташкил этилди. Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, 2021 йил 15 июндан бошлаб бирламчи тиббий-санитария муассасаларида дори воситалари ва тиббий буюмлар учун бириктирилган аҳоли жон бошига ажратилган маблағ миқдори ўртача 3 баравар оширилди. Касалликларни эмас, уларнинг хавф омилларини аниқлаш ҳамда бартараф қилиш мақсадида оммавий хатлов амалга оширилди. Аҳолини 4 та хавф гуруҳига ажратиш орқали улар билан индивидуал профилактика-соғломлаштириш тадбирлари олиб борилди. 2021 йилда махсус тайёргарликдан ўтган ҳамшираларга шифокоргача кўрик, скрининг ўтказиш, ҳамширалик ташхисларини кўйиш, реабилитация ва назоратни амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Тиббиёт бригадалари томонидан аҳоли саломатлиги ва касалланиш ҳолатини "маҳаллабай" ўрганиш жорий қилинди. Мақсадли скрининг ва манзилли патронаж амалиёти илк бор жорий қилинди. "Қишлоқ шифокори" дастури — олис ва чекка ҳудудларда ишга қабул қилинган врачларни 30 миллион сўм миқдорида бир марталик пул маблағи, хизмат уй-жойи билан таъминлаш тартиби жорий қилинди. Албатта, ушбу соҳага бу даражада катта эътибор қаратилиб, зарур маблағлар сафарбар этилаётгани бежиз эмас. Зотан, мулоқотда илгари сурилган амалий ташаббуслар Янги Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини мутлақо янги босқичга олиб чиқади.

Тез тиббий ёрдам бўйича чақирувларга етиб бориш ўртача вақти 25-30 дақиқадан 8-12 дақиқага қисқарди.

Тез тиббий ёрдам хизмати — тиббиётнинг яна бир муҳим бўғини. Кейинги йилларда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази таркибидаги ушбу хизматда битта чақирикка дори-дармон учун ажратилаётган маблағ 500 сўмдан 6500 сўмга етказилди. Мамлакатимизда 2016 йилда 800 та "тез ёрдам" шохобчаси ва 1 минг 890 та тез тиббий ёрдам бригадаси фаолият юритган бўлса, айти пайтда уларнинг сони мос равишда 1 минг 666 та ва 2 минг 861 тага етказилди. Ўтган йилнинг ўзида олис ва чекка ҳудудларда аҳоли пунктларида кўшимча 60 та "Тез ёрдам" шохобчаси ташкил этилди. Беш йил аввал тармоқда бор-йўғи 24 та реанимобиль хизмат кўрсатар эди. 2021 йилда эса улар сони 435 тага етказилди. Тез ёрдам тизимидаги барча автомобиллар 100 фоиз GPS билан таъминланди. Яқунланаётган йилда 103 рақами марказлаштирилди ва Мувофиқлаштирувчи диспетчерлик хизмати — Call-марказлар тўлиқ ташкил этилди.

Ўтган 2021 йилда дори воситалари таъминоти нормативга нисбатан 100 фоизга етказилди ва узлуксизлиги таъминланди. 2021 йилда юртимизда ҳар 13000 нафар аҳоли сонига нисбатан 1 та тез ёрдам машинаси тўғри келди. Ҳудудларнинг географик жойлашувига кўра, кўшимча санитар машиналар бириктирилди. Бунинг натижасида чақирувларга кечикиб бориш ҳолатлари 10-12 фоиздан 1-2 фоизга камайиб, етиб бориш вақти ўртача 25-30 дақиқадан 8-12 дақиқача қисқарди. Ҳудудларда юқори технологик операциялар улуши 60 фоизга етказилди. 2021 йилда ихтисослашган тиббиёт йўналиши ҳам ислох қилинди. Республикаимиздаги 23 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази, уларнинг ҳудудлардаги 268 та филиали ҳамда туманлардаги 310 та бўлимларида илгари республика даражасида амалга оширилган юқори технологик операцияларни вилоят ва туман даражасида ўтказиш йўлга қўйилди. 2020 йилда ҳудудлардаги юқори технологик операциялар улуши 55 фоиз бўлган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 60 фоизга оширилди. Барча вилоятларда рентгенэндоваскуляар жарроҳлик ва кардиохирургия бўлимлари ташкил этилиб, очик юракда операциялар бажарилди. Ўтган йиллар

давомида юртимизда 600 дан ортиқ буйрак, жигар ва ўзак хужайра операциялари муваффақиятли ўтказилиши натижасида фуқароларимизнинг чет давлатлардаги клиникаларга чиқиши кескин камайди. Наманган, Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида буйрак трансплантацияси амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилди. Телемедицина орқали мураккаб жаррохлик амалиётларининг трансляциялари сони 289 тага етказилди. Худудий тиббиёт муассасаларида 604 та янги диагностика ҳамда илғор даволаш усули амалиётга татбиқ этилди. Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар сони 129 тага етди. 2021 йил мамлакатимизда хусусий тиббиёт ривожига кенг йўл очилган йил бўлиб тарихга муҳрланди. Аини пайтда юртимиз тиббиёт муассасаларига 129 турдаги тиббий хизматни амалга оширишга рухсат берилган. Ҳозирда мамлакатимиздаги хусусий шифо масканлари сони қарийб 7000 тадан ошган.

Уларнинг 2215 таси эса янги тиббий ихтисосликлар ҳисобига фаолиятини кенгайтди. Аини пайтда 1425 та хусусий шифохона стационар тарзда иш юритмоқда. Улардаги ўрин-жойлар 30 мингдан ортиқ бўлиб, санаторийлар билан қўшиб ҳисоблаганда 40 мингдан ортиқ ўрин-жойлар ташкил этилган. Давлат тиббиёт ташкилотларидаги жами 120 минг ўрин-жойларга нисбатан хусусий шифохоналардаги стационар ўрин-жойлар 25 фоизни ташкил этмоқда. 2021 йил 1 июлдан нодавлат тиббиёт муассасасига кириш учун олий тиббий таълимни якунлаган мутахассислардан малака тоифаси талаб қилинмайдиган бўлди. 2021 йилда хорижий инвестиция иштирокидаги хусусий шифохоналар сони 110 тага етди. Хусусий секторнинг давлат тиббиёт муассасалари бўш турган объектларидан фойдаланиши 2 баробар оширилди. 2021 йил 1 июлдан хусусий тиббиёт ташкилотларига “мобил тиббиёт” билан шуғулланишга, олис ва чекка худудлардаги ташкилот ва корхоналар тасарруфида фақат ўрта тиббиёт ходимларидан иборат тиббий пунктларни ташкил этишга рухсат берилди.

Қишлоқ жойларда тиббиёт бўйича ташкил этиладиган янги микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан, жалб этилган шифокор ва мутахассислар даромад солиғидан, уларнинг даромадлари эса ягона ижтимоий тўловдан озод этилди. 2021 йил 5 майда Президентимизнинг ҳамширалик ишини ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киритиш кўзда тутилган “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, ушбу фаолият билан 2022 йил 1 январдан бошлаб Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли ахборот тизимида рўйхатдан ўтган мутахассислар шуғулланишлари белгиланди. Марказий Осиёда илк бор бош мия қон томир нуқсонларини диагностика қилиш ва хирургик даволашнинг янгича усуллари қўлланди. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва унга бириктирилган республика санитар авиацияси ҳамда Тошкент шаҳри “103” хизмати — шошилич тиббий ёрдам хизматининг бош муассасаси ҳисобланиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 13 та филиали эл хизматида. Шунингдек, 179 та аҳоли пунктида субфилиаллари фаолият олиб бормоқда. 2021 йил шошилич тиббий ёрдам хизмати учун ҳам муҳим натижаларга бой бўлди. Хусусан, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ)нинг барча худудий филиалларида умуртқаларнинг ностабил синишларини хирургик даволашнинг замонавий усуллари амалиётга татбиқ қилинди. 2021 йилда РШТЁИМда юртимизда илк бор тизза бўғинини эндопротезлаш амалиёти жорий қилинди.

Марказ мутахассислари иштирокида яқин қариндошлар ўртасида буйрак кўчириб ўтказиш операцияларини вилоятларда ҳам ўтказишга киришилди. Бундай амалиёт Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бажарилган бўлса, жорий йилдан худудий камров янада ортади. 2021 йилда марказнинг Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Андижон ва Тошкент вилояти филиалларида янги бинолар қурилиши ва эски биноларни капитал реконструкция қилиш ишлари олиб борилди. Марказ ва унинг вилоят филиалларида электрон ҳужжат айланиши бўйича ўз мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган дастурий ишланмалар татбиқ қилинди. Улар қуйидагилар:

- ◆ Тез тиббий ёрдам фаолияти сифатини баҳолаш ва моддий рағбатлантириш механизми дастури;
- ◆ Шартномалар мониторинги дастури, ходимлар иш вақтини ҳисобга олиш электрон табели;
- ◆ Беморларни даволаш босқичларини мониторинг қилиш дастури;
- ◆ Дори воситаларининг ҳаракатини кузатиб бориш дастури ва ҳоказо.

Поёнига етган йилда Ўзбекистондаги ягона тажриба — юқори технологик кўп томирли аорто-коронар шунтлаш операцияси бажарилди. Ўтиборлиси, уларнинг 98 фоизи ишлаб турган юракда ўтказилган. Мамлакатимизда илк бор коронар артериялари ва бош миyaning экстракраниал қон

томирларида бир вақтнинг ўзида бажариладиган гибрид ҳамда симультант операциялар ўтказилиши йўлга қўйилди. 2021 йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб, бош миянинг қон томир нуқсонларини диагностика қилиш ва хирургик даволашнинг энг замонавий юқори технологик усуллари татбиқ қилинди. Туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари негизда 35 та туманлараро қўшма шикастланишлар ҳамда ўткир қон-томир касалликлари маркази ташкил этилиши белгиланиб, 15 таси 2021 йилда ишга туширилди. РШТЎИМ нинг янги замонавий биноси қурилиш ишларига старт берилди. Иншоот 2022 йилда ишга туришилади. Тиббий таълимдаги квоталар: бакалавриятда 2 баробар, магистратура ва клиник ординатурада 2,3 баробар оширилди. Беш йил аввал мамлакатимизда тиббиёт йўналишида 7 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, ҳозир улар сони 11 тага етган. Олтита ҳудуддаги (Навоий, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Тошкент вилоятлари) олий таълим муассасаларида тиббиёт факультетлари, 3 та ҳудудда (Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари) тиббиёт институтлари ташкил этилди. Тиббий таълимдаги квоталар 2017 йилга нисбатан бир неча баробарга оширилиб, соҳада кадрлар тайёрлаш кўлами янада кенгайтирилди. Хусусан, бакалавриятдаги ўринлар 2 баробар (3445 тадан 6950 тага) кўпайиб, магистратурадаги ўринлар 2,3 баробарга (718 тадан 1631 тага) етди (2021 йил сентябрь ҳолатига кўра). “Халқ таъбири”, “Биотиббиёт муҳандислиги”, “Менежмент: соғлиқни сақлаш менежменти” янги бакалаврият таълим йўналишлари ташкил этилди. Туман (шаҳар)лар кесимида мақсадли квота жорий этилди ва уларга қабул қилинадиган талабалар 1180 нафардан 1527 нафарга етказилди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимини тор соҳа мутахассислари билан таъминлашни жадаллаштириш мақсадида клиник ординатурадаги ўринлар ўтган йилга нисбатан 2 баробар (2396 тадан 4972 тага) оширилди. Бундан ташқари, 47 та тиббиёт коллежи Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларига айлантдирилиб, шу йилнинг ўзида 20 мингта ҳамширалик штати жорий қилинди. 1 июль куни Президентимизнинг “Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. 37 нафар ординаторлар 11 та мутахассислик бўйича ординатурада ўқишга Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетига юборилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги 10 та тиббиёт олий таълим муассасаларида 9 та ҳорижий давлатларнинг 27 та университетлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 93 та қўшма таълим дастурларида 2 354 нафар талаба таҳсил олмақда. Сирдарё вилоятида Гулистон тиббиёт коллежи негизда Туркия Соғлиқ билимлари институтининг филиали ташкил этилиши белгиланди. 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва бошқа давлат тиббиёт муассасалари раҳбарларини соғлиқни сақлаш соҳасида бошқарув (Healthcare Administration) йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш йўлга қўйилди. Юртимизда илк бор тизза артрозларини кичик болдир суяги резекцияси йўли билан даволаш йўлга қўйилди.

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида турли жароҳат ва туғма нуқсонлар, таянч-ҳаракат аъзолари шакли ва функциялари бузилиши билан боғлиқ хасталиклар даволанади. ССВ Матбуот хизмати марказ директори Мурод Ирисметов билан 2021 йилда муассаса фаолиятидаги муҳим ўзгаришлар, амалга оширилган мураккаб операциялар, аҳоли орасида энг кўп учрайдиган ортопедик касалликлар хусусида суҳбатлашди.

Йирик бўғимларни эндопротезлаш, артроскопик операциялар, умуртқа эндоскопик хирургияси, болаларда кўкрак қафаси деформациялари, сколиоз, суяк ва бўғимларнинг туғма аномалияларини оператив даволаш сингари йўналишларда марказда янги стандартлар асосида мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда, — дейди М. Ирисметов. — Мамлакатимизда илк мартаба перкутан трансфораминал эндоскопик дискэктомия амалиёти ва тизза артрозларини кичик болдир суяги резекцияси йўли билан даволаш муассасамизда йўлга қўйилди. Қолаверса, малакали мутахассисларимизнинг ҳудудларга мунтазам чиқишлари ташкил этилмоқда. Бу жараёнда 2 минг 788 нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатилиб, 141 та маҳорат дарси ўтказилди. Жойларда амалга оширилган 240 дан зиёд операцияларнинг 141 тасини юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ташкил қилди. Бундан ташқари, 2021 йил тиббиёт марказида бажарилган 7 минг 150 та операциядан 3 минг 968 таси ҳам ана шундай мураккаб амалиётлар ҳисобланади. Таққослаш учун айтсак, 2020 йил давомида ўтказилган 5 минг 42 та операциядан 2 минг 837 таси юқори технологик амалиётлардан иборат эди. Маълумотларга кўра, катталар ортопедик касалликлари орасида йирик бўғимлар артрозлари, умуртқа поғонаси остеохондрози ва унинг оқибатлари биринчи ўринда

туради. Ушбу касалликларнинг келиб чиқишига семизлик, камҳаракатлик, нотўғри овқатланиш каби қатор омиллар сабаб бўлади. Болалар ортопедик касалликлари орасида сон суягининг туғма чиқиши, туғма бўйин қийшиқлиги ва туғма маймоқлик кўп учрайди. Оёқ панжаларининг статик ва тиззалар деформациялари орттирилган патологиялар орасида энг юқори ўринларни эгаллайди. Ана шу касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволашда марказимизда яратилган шарт-шароитлар, бу ерда амалиётга татбиқ этилаётган илғор муолажа усуллари қўл келмоқда. Урология маркази: Беш ойда 1800 дан зиёд юқори технологик операциялар ўтказилди.

Юртимиз тиббиётидаги ижобий ўзгаришлар Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ҳозир бу муассаса замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан таъминланган. Салоҳияти жиҳатидан Марказий Осиёда етакчи ўринда туради. Бу ерда юқори малакага эга мутахассислар фаолият юритмоқда. Жорий йилда марказнинг 8 нафар ходими АҚШ, Австрия, Туркия, Италия давлатларида малака ошириб қайтди. — Муассасамизда жорий йилнинг 5 ойи давомида 3 минг 409 та операция амалга оширилди, — дейди марказ директори Шухрат Мухтаров. — Шундан 1808 таси юқори технологик жарроҳлик амалиётларидир. Қолаверса, июнь ойи бошидан буён муассасамизнинг етакчи ходимлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маҳаллий мутахассислар билан биргаликда 100 дан ортиқ мураккаб амалиётларни бажарди. Шунинг ҳисобига кўплаб беморларни пойтахтга олиб келишнинг ҳожати бўлмади.

Муассасада буйрак ва пешоб йўллари тошларини диагностика қилиш ва даволашнинг энг илғор усуллари жорий қилинган. Булар оддий операциялардан тортиб барча турдаги эндоурологик амалиётлар, ретроперитонеоскопик ва лапароскопик муолажалар ҳамда пешоб йўлидаги тошларни масофадан туриб парчалаш технологияларигача қамраб олади. Шунингдек, бу ерда урологик хасталикларни даволашда каминвазив амалиётлардан фойдаланиляпти. Ҳозир марказда амалга ошириляётган бундай амалиётлар дунёнинг етакчи клиникаларидаги кўрсаткичлар даражасига тенг. Трансплантация: соҳага оид янги Қонуннинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Жорий йилнинг 11 май санасида “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Президент томонидан имзоланди. Мазкур ҳужжат 4 та боб ва 26 та моддадан иборат. Унда трансплантацияни амалга ошириш мақсад ва шартлари, трансплантация объектлари, донорлар доираси (тирик ва ўлганлар), донор ва реципиентнинг ҳуқуқлари, тирик ва ўлган донорлардан аъзо ва тўқималарни олиш шартлари қатъий белгилаб қўйилган. Ҳужжатга асосан, тирик донордан ёки инсон мурдасидан олинган одам аъзолари ва (ёки) тўқималари трансплантация объектлари бўлиши мумкин. Уларнинг рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга, аҳолининг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига қаратилган давлат сиёсатини амалдаги қонунчилик асослари билан тўлдиришга имкон яратади. Қолаверса, ушбу ҳужжат касалланиш ва инсон аъзоларидаги қайтариб бўлмайдиган жараёнлар туфайли ўлимга олиб келувчи ҳолатларни қисқартиришга хизмат қилади. Айтиш керакки, юртимизда кўп йиллар давомида мазкур йўналиш бўйича қонунчилик асослари яратилмагани трансплантологиянинг клиник фан сифатида тўхтаб қолишига ҳамда касалликларга чалинган беморлар ҳаётини сақлаб қолиш имкониятининг йўқотилишига олиб келди. Ушбу вазиятда баъзи беморлар бу турдаги амалиётларни қимматлигига қарамай, хориж тиббиёт муассасаларида ўтказишга мажбур бўлиб, чет элларда даволанишда турли машаққат ва катта миқдордаги харажатларга дуч келар эди. Биламизки, инсоннинг жуфт бўлмаган аъзолари (юрак, жигар, ошқозоноти беши ва бошқа аъзолар)ни фақат мурдадан олиш имкони мавжуд. Трансплантация муваффақиятли ўтиши учун олиниши мўлжалланган органни кейинчалик нормал ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар юзага келишидан олдин мурдадан олиш лозим бўлади. Ана шундай ҳолатларни тартибга солиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, фуқароларимизга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва ўта оғир беморларнинг тўлақонли ҳаётга қайтишига имкон яратиш мақсадида ушбу Қонун ишлаб чиқилди. Уни тайёрлашда Германия, Польша, Россия, Беларусь, Украина, Молдова ва АҚШ каби давлатларнинг трансплантация соҳасига оид қонунчилиги ўрганилди. Ҳужжатга кўра, инсон аъзолари ва тўқималарини олиш ҳамда уларнинг трансплантацияси давлат соғлиқни сақлаш тизимига қарашли тиббиёт муассасалари томонидан амалга оширилади. Ушбу муассасаларнинг рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Сунъий равишда етиштирилган аъзолар трансплантация объектлари бўлмайди. Шунингдек, қонуннинг амал қилиши:

- инсоннинг кўпайишига тааллуқли бўлган аъзолар ва тўқималарнинг трансплантациясига;

- аъзолар ва тўқималарнинг аутоген (бир шахснинг ўзи тирик донор ва реципиент бўлади) трансплантациясига;

- қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

ССВ: Хусусий тиббиёт муассасаларида 18 та ихтисослик бўйича юқори технологик ва мураккаб операциялар ўтказилмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида хусусий сектор улуши ортиб бормоқда. Бу эса тиббий хизмат сифатини юксалтириш, соҳада соғлом рақобатни таъминлаш имконини берапти.

Жумладан, ҳозирги кунда юртимизда:

- Тиббиёт соҳасида 7,5 мингга яқин юридик шахс лицензияга эга.
- Уларнинг барчасида амбулатор, 20 фоизда стационар тиббий хизматлар йўлга қўйилган.
- Мамлакатимиз тиббиёт муассасаларидаги ўрин-жойларнинг 26 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Нодавлат тиббиёт ташкилотларида:

- 16,3 минг нафардан зиёд шифокор,
- 25,5 мингга яқин ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатмоқда.

Нодавлат хусусий тиббиёт ташкилотларида 130 тиббий ихтисосликлардан 18 йўналишида юқори технологик ва мураккаб жарроҳлик операциялари бажарилляпти.

Хусусий секторга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан:

- травматология ва ортопедия,
- акушерлик ва гинекология,
- кўз микрохирургияси,
- урология,
- кардиология ихтисосликлари бўйича тиббий хизмат кўрсатишга рухсат берилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар хусусан, тиббиётдаги сайъи ҳаркатларнинг барчаси инсон кадрини улўғлаш учун, халқимизнинг ҳаётдан рози бахтли келажаги учун. Биз эса фуқароларимизги ўз соғлиғингиз безътибор бўлманг, уни борида кадрига етиб аавайланг деймиз. Зеро, соғлиқ энг катта бойлик, уни асраш эса ўзимизга боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Lex.uz
2. “Организация и управление здравоохранением” Журнал №5 (143)., Ташкент 2022
3. WHO. World Health Organization; 2020.
4. Managing Cjmplifications in Pregnancy and Childbirth: f guide for midwives and doctors. 2017

Келиб тушган вақти 09.07.2022